

# НАФОСАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, МУҲТАРАМ ОНАХОНЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!

## Mustaqillik huquq demakdir **Нижат**



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 8-mart, № 10 (531)

Республика Бош прокуратурасида

Сарҳисоб



### Аёлга эҳтиром

Бугун мамлакатимизда гўзаллик ва нафосат байрами — Хотин-қизлар куни кенг нишонланаётир. Бу байрам баҳорнинг илк кунларида ўтказилишида ўзига хос маъно бор. Чунки баҳор, гул, гўзаллик ва аёл тушунчалари ўзаро уйғунлашиб кетган. Барча муассасаларда бўлгани сингари кеча Бош прокуратурада ҳам байрамга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унга Бош прокуратуранинг турли тармақларида фаолият кўрсатаётган барча аёллар тақлиф қилинди. Шунингдек, Бош прокуратура раҳбарияти, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, прокурор-тергов ходимлари ҳозир бўлишди. Ўзбекистон Бош прокуратураси бошқарма бошлигининг ўринбосари, касаба уюшмасининг раиси Бобир Деҳқоннов сўзга чиқиб, самимий тилаklarини қуйидагича ифodalлади:

— Аёлларимиздаги меҳр-муҳаббат, садоқат каби фазилатлар ҳақида ҳар қанча гапирсак кам. Ҳар қандай жами-

ятнинг маданият даражаси аёлларга муносабат орқали белгиланади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, аёллар эҳтиром кўрсатиш жамиятимизнинг миллий қадрияти даражасига кўтарилди. Мамлакатимиз Президентини Исом Каримовнинг ташаббуси билан хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, уларни давлат ва жамият бошқаруви органларига жалб қилишга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Бугунги кунда прокуратура органларида аёлларимизнинг самарали меҳнат қилаётганликларини эътироф этиш зарур. Уларнинг ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши кураш, халққа хизмат қилишдек машаққатли ва масъулиятли вазифани эркаклар билан елкадош бўлиб адо этиб келаётганлиги барчага аён. Уларнинг меҳнати ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, ўтган йиллар давомида прокуратурада ишлаётган 27 нафар хотин-қиз давлатимизнинг турли

муқофотлари билан тақдирландилар.

Аёлларимиз том мамнода эзгулик тимсоли, фарзандлар камоли учун жон фидо этишга тайёр зот десак адашмаймиз. Мамлакатимиз марказий майдонига «Бахтиёр она» ҳайкалининг ўрнатилиши ҳам бу фикрнинг эркин намунаси.

Шундан кейин сўзга чиққан И.Ачилов, З.Баймухановлар хотин-қизларни байрам билан табриқладилар. Жумладан, «Ниқуқ» газетасининг таржимон-муҳаррири Йўлдош Парда ҳам кўнглидаги самимий тилаklarини шеър орқали изхор қилди.

Шундан кейин хотин-қизларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Соғаларни Бош прокурор ўринбосарлари Бахтиёр Нурмухамедов, Равшан Мухитдинов ва бошқалар топширдилар.

**Шавкат АЧИЛОВ,**  
Бош прокуратуранинг бошқарма прокурори

### ЖАМИЯТ ВА ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

Фаргона вилояти прокурори Абдуҳалим ХОЛМАҲМАТОВ билан суҳбат

— *Мустақиллигимизнинг ҳар бир йили ўзига хос янгиликни, тараққиёт йили сифатида намоён бўлмоқда. Президентимиз томонидан 2007 йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинди, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишнинг устувор йўналишлари белгиланган бўлибди. Утган йили муҳтожлар ва кексаларни қўллаб-қувватлаш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш борасида мамлакатимизда бўлгани каби вилоятимизда ҳам кўзга кўринарли ишлар қилинди.*

*Моҳиятига кўра ижтимоий ҳимоя мақсадини кўзлаган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг ижроси ҳақида батафсилроқ сўзлаб берсангиз.*

— Вилоят ҳокимлиги тасдиқлаган дастур ижросини таҳлил қилиб, айрим қонунбузилишларни бартараф этиб бордин. Бюджет маблағлари, ҳомий корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар ажратган сармоялар ҳисобидан кўп болали, кам таъминланган оилалар, мактаб-интернатларда, мурувват уйларида таъминтарбия олаётган ёшлар, нафақахўр ва ёлғиз пенсионерлар, боқувчисини йўқотганлар, ногиронларнинг яшаш ва ўқиш шароитини яхшилаш учун 144,5 миллиард сўм сарфланди.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси молиялаштирган 153,6 миллиард сўм пенсия ва ижтимоий нафақаларнинг узлуксиз, ўз вақтида тўлаб борилиши таъминланди. Уруш ва меҳнат фахрийлари, пенсионер ва ногиронларга йўлланмалар берилиб, Олтиарик, Косонсой, Товоқсой, Маржонсуви сихаттоҳларида, корхоналарнинг профилакторияларида соғлиқларини тиклашди.

Муҳтожларга ҳомийлар ҳисобидан ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, ҳасса ва қўлтиқтақлар берилди. Ёлғиз қарияларга 140 миллион сўмлик озик-овқат тарқатилди, моддий ёрдам кўрсатилди. Рўйхатда турган барча ёлғиз, кекса, ногирон шахслар диспансер кўригидан ўтказилиб, даволанишга муҳтожлари шифохоналарга ётқизилди. Ҳомийлар 56 нафар ёлғиз кишиларнинг уй-жойини таъмирлаб беришди. Қўллаб-қувватлаш шифохоналар таъмирланиб, талаб даражасида жиҳозланди.

(Давоми 4-бетда).

Ахборот

### Қонунийликни таъминлаш вазифалари

Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг йиғилишида депутатлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари, прокурорлари, ҳуқуқ-тартибот органлари раҳбарлари иштирокида 2006 йили вилоятда қонунийликни таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича қилинган ишлар ва бу борадаги долзарб вазифалар муҳокама қилинди. Кун тартибидagi масала юзасидан вилоят прокурори А.Холмаҳматовнинг ахбороти тингланди.

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлар жамоатчилик билан ҳамкорликда қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш, фуқароларнинг конституцион ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишларни амалга оширдилар. Тўлов интизоми, меҳнат ва бандлик, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат, хусусийлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, нақд пул муомаласи, қишлоқ ҳўжалигида қонунийликни таъминлаш, қонунбузилишларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилди. Бироқ, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар талабга жавоб бермайдди. Жамоатчилик билан ҳамкорликда профилактик тадбирлар самарадорлигини ошириш лозим.

Йиғилишда сўзга чиққан вилоят ИИБ бошлиғи Т.Худойбергенов, Бешариқ тумани ҳокими С.Мамадалиев, вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси Т.Ҳафизов, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи М.Хўжаев, Кўкчи шаҳар ҳокими Х.Каримов қонунбузилиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда давлат идоралари ва жамоатчилик ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш ҳусусида мулоҳазаларини баён этишди.

М.АЛИМОВ,

Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдამчиси

Қадрият

**Баҳорнинг дастлабки кунларида Қашқадарёнинг турли шаҳар ва кишлоқларида яшовчи онахонлар ҳамда турли жабҳаларда меҳнат қилиб, эл-юрт фаровонлигига муносиб хисса қўшиб келаётган хотин-қизлар яқинда 2700 йиллик нишонланган Қарши шаҳрининг диққатга сазовор жойларини эътибор этиш учун вилоят марказига келдилар.**

**Лоғида яшовчи Маҳкамойа Ҳазраткулова:**

— Ушбу мунаввар кунларда мамнуният билан эътироф этиш лозимки, неча асрлардан бери улуглиниб келаётган қадриятларимиз тобора сайжал топмоқда. Йилларимизнинг алоҳида номланиши ҳам миллий ғоя тарғиботи билан йўғрилган ниятларнинг бардавонлигидан далolat. Мавриди келганда айтиб ўтай, ҳалол

ортиб бориши бевосита жамият тараққиётига дахлдор.

**Гузур туманида яшовчи Турди Эшонкулова:**

— Дунёдаги барча аёллар бир жиҳати билан бир-бирига ўхшайди — касби, макени, яшаш тарзидан қатъи назар ҳамма оналар уйда, бутун ер юзидида тинчлик, осойишталик бўлишини истайдди. Шу улуг ғоя

## МУНАВВАР КУНЛАРДА

Меҳмонлар дастлаб Қарши шаҳрининг бош майдонига юртбошининг ташаббуси билан қад ростлаган «Эл-юрт таянчи» монументи қаршида тўландилар. Унинг пойига эҳтиром раъзи сифатида гулчамбарлар қўйилди. Келажакка марғур боқиб турган ота ва она, ўғил ва қизнинг виқорли сиймоси тўланганларнинг қалбига ифтидор туйғусини уйғотди. Фурсатдан фойдаланиб уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

**Қарши тумани Кочкин киш-**

меҳнат хамиша кишига улғуворлик бахш этган. Узоқ йиллар пахтачилик бригадасини бошқардим. Кўпқийинчиликлар бошдан ўтди. Барчаси ўтимишда қолди, аммо одамзот ҳар доим олға интилимоғи лозимлиги ҳаётим фалсафасига айланди.

— Дарҳақиқат шундай, — дейди **«Тол» кишлоқ фуқаролар йиллигининг раиси Маҳфират Назарова.** — Мақсадимиз эл-юрт фаровонлигини янада ошириш бўлмоғи керак. Демак, ўзига тўқ, бағрикенг, мурувватли кишиларнинг

йўлида бутун идрокини, ақл-заковатини ишга солади.

...Меҳмонлар Қарши шаҳрининг қайтадан тикланган Одина, Кўкчумбаз мажидиларида бўлиб, аждодларимизнинг покрудларига атаб «Қуръони карим» оятларидан ўқиди. Олимпия захиралари спорт коллежидида вилоят ёшларининг соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари учун ибратли ишлар қилинаётганининг шохиди бўлдилар.

Гулҳебра Жўраева,  
Қашқадарё вилояти

## Аёллари қадрланган юртим,

Баҳор бу йил Оролбўйига барвақт келди. Киш чилласи чиқиб, тирик жон борки, барча-барча гимирлаб қолди. Майин эсаётган шабада кўнгилларга ором бағишлайди. Деҳқонларнинг кўли кўлига тегмайди. Чўмчуқларнинг чугур-чугури эса гўё одамларга баҳор келганлигини эслатаётгандек. Венера баҳор фаслини яхши кўрганиданми, бугун хар қачонгидан эрта уйғонди. Кеча улгуролмаган уй ишларини бироз тартибга келтирди. Ошхонага кириб нонуштага тайёргарлик қурди. Фарзандларини мактабга жўнатиши керак. Ишхонада-ку, талай юмушлар кутиб турибди. Ой яқунланди. Ҳисоб-китоб ишлари дегандай...



Биз Нукус шаҳар прокуратурасига кириб борганимизда соат миллари энди 9<sup>00</sup> ни кўрсатаётганди. Венерахон бизни кабинетидида қарши олди. Салом-алик қилиб, мақсадимизни айтдик.

- Эслаб келганингиз учун раҳмат, — миннатдорчилик билдирди у.
- Венерахон, аввало сизни ва бутун прокуратура соҳасида ишлаётган хотин-қизларимизни 8 март байрами билан табриклайман.
- Раҳмат!
- Байрам баҳона сиз билан суҳбатлашни ният қилгандик. Қарши эмасмисиз?
- Йўқ, бажонидил.
- Аввал ўзингиз ҳақингизда айтиб беринг. Қачондан иш бошлаган-



## Қорақалпоқнинг хур қизи

— Мен 1962 йилнинг сентябрида Кегайли туманида туғилганман. Отам ҳуқуқшунос, онам ўқитувчи бўлган. Биз ота-онамиздан 6 нафар фарзандимиз, 3 ўғил, 3 қиз.

Кегайли туманидаги 9-сонли Терешова номи мактабда таҳсил олдим. Фурсатдан фойдаланиб бугун биринчи ўқитувчи Урозгул Худойберганова (марҳум) ҳурмат билан хотирламоқчиман. Қўли дараддек тошқин инсон эди. Қўлимизга рўчқа олиб «она», «Ватан», «мактаб» деган сўзларни биринчи шу кишининг оғзидан эшитганмиз. Опа мени синфкомликка тайинлаб, «бутун синфга сиз жавобгарсиз» деганди. Ҳозир опанинг қўлида таълим олган кўплаб синфдошларим ҳалқ ҳўжалигининг турли соҳаларида маъсулиятли лавозимларда меҳнат қилишаряпти. Бари софдил, ҳалол йўлтиқизлар. Бу ҳам опанинг меҳнати самарасидир.

Ҳуқуқшуносликка қизиқишимга отам сабабчи бўлган. У киши 30 йилдан ортиқ прокуратура, суд органларида ишлаган. «Қизим отасидай ҳуқуқшунос бўлади» деб тез-тез ишхоналарига олиб бориб турарди. Раҳматли менга кўп насиҳат қиларди. «Ҳаётда ёмон одам бўлмайди, қизим. Фақат ёмон характерли одамлар бўлиши мумкин. Ҳуқуқшунос бўлсанг, буни ҳеч қачон эсиндан чиқарма. Одамлар тақдирини — менинг тақдирим деб иш тут. Ахир у инсонларнинг ҳам сендай қизи, ўғиллари бор» дерди.

1979 йили Нукус давлат универ-

ситетининг ҳуқуқшунослик факултетига қабул қилиндим ва уни 1984 йили муваффақиятли тугатдим. 1985 йили Қорақалпоқистон Республикаси прокуратурасида катта назорликдан иш бошлаганман. Кейин Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси бўлдим. Қорақалпоқистон прокуратурасида бир қатор масул лавозимларда ишладим. 2004 йилдан ҳозиргача Нукус шаҳар прокурорининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаяпман.

Венера бизга ўзи ҳақида гапирар экан, унинг камтар, самимий, очкўнгли инсонлиги шундоқ сезилиб турарди.

— Сизнингча, бугун хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни қандай бўлиши керак?

— Аёлларни мен буюк келажак кўрувчилари дегим келади. Чунки у аввало она. Аёл соғлом, ҳаётдан кўнгли тўқ бўлса, фарзандлари ҳам соғлом бўлади. Шу боис мамлакатимизда аёлларга бўлган ҳурмат бошқача. Улар юрт равнақи йўлида фаол меҳнат қилишаряпти. Бундан қувонмай бўладимиз? Лекин ораимизда енгилтабиат аёллар ҳам йўқ эмас. Аёлнинг қирқ жони бор дейишади. Ҳақ гап. Аёл чидамли бўлса, ҳеч қачон аёллигини унутмай шаънини пок сақласа, албатта бахтли бўлади.

— Шу кунларда қалбингиздан нелар кечаяпти? Қандай тилак-истак-

ларингиз бор?

— Ҳаётимизда байрамлар кўп. 8 март байрамини байрамларнинг деб бочаси дейиш мумкин. Тўғриси, шу тонда қалбим ҳаяжонга тўла. Шу даражага эришишимда катта ёрдам берган устозларим — Нукус давлат университетининг ҳуқуқшунослик факултети декани Лиза Кутубаева-ни, Қонунчилик палатаси депутати Жамила Низовани, Ўзбекистон Бош прокуратураси ходимлари Ойгул Отажонова ва Гаҳвар Бобожоновларни, Қорақалпоқистон Республикаси прокуратурасига кўп йиллар раҳбарлик қилган марҳум Салават Урозовни, Тоғимурот Холмуртовни, тарих фани ўқитувчиси Пардагул Ембергеноваларни алоҳида тилга олгим келади. Улар менга ҳаёт сабогини беришган. Уларга ўхшасам дейман.

Бахтимизга устозларимиз доим омон бўлишсин. Улар қатори ўзбекистонлик барча опа-сингилларимизни байрам билан табриклайман. Оилаларга тинчлик, ўзарига соғлиқ, дастурхонларига барака тилайман.

Нуриддин ОКНАЗАРОВ,  
«Нуқид» муҳбири

Суратда: Нукус шаҳар прокуратураси терговчиси Н.Оллоберганова, Нукус шаҳар прокурорининг ўринбосари В.Ерниязова ва иш ўранувчиси Г.Алеуовалар.

## Аёлла таъзим

Ҳалқимиз учун кўклар келишининг ўзи бир байрам, бу фаслда нишонланадиган байрамлар эса барча кўртдошларимизнинг сеvimли айёмларига айланган. Баҳорга бериладиган ташбехлар бисёр, улар ҳаммиша ўз нафосати билан бу фаслга ярашқилидир. Баҳорнинг илк кунларида нишонланадиган 8 март — халқро хотин-қизлар кўни бу ўйғунлиқнинг гўзал ибтидоси гўё.

Баҳор мунислик ва назокат билан бутун борлиқни забот эта боради. Аёлнинг мавжудлиги ҳам шундай. Аёл борки, олам мунававар, ҳаёт бор. Бу ўхшашликнинг яна бир омилли — меҳр. Баҳор қўшининг нурлари вужудингизни, хисларингизни аллалаб ўтганда юрагингизда бир меҳр уйғонаётганини хис қиласиз. Бу олам меҳр билан тирик, аёл номи эса ҳаммиша меҳр-муҳаббат билан ёнма-ён юради.

Оиласиз жамият, давлат бўлмагани каби, аёлсиз оилани ҳам та-саввур этиш қийин. Аёл — оила чароғбони, фаровон, гўзал ҳаётимиз яратувчиси, хонадонимиз файзидир. Муқаддас динимиз исломда аёл мўътабар бир зот сифатида эъзозланади.

Шарқ аёллари, жумладан, ўзбек аёли маънавиятининг шаклланишида ислом ақидаларининг таъсири беқийёс. Оила бошлиги бўлган эр-какка ҳурмат, шарм-ҳаё, андиша хар доим ўзбек аёлининг муҳим хислати саналган. Бундай аёллар яшаган оилаларда тотувлик ҳўкм суриб, фарзандлар ажойиб инсон бўлиб вояга етишган.

Бирок юртимизни рус мустамла-качилари истило қилганидан кейин, айниқса, совет тузуми йиллари аёлларни ихтимойий фойдали меҳнатта жалб этиш шiori остида оила ва аёл масаласида кўпгина миллий ҳидриятларимиз сўқости қилинди. Жамиятда турмуш ташвишлари эзиб ташлаган,

на уй-рўзгор юмушларининг, на ишхонасидаги вазифасининг уддасидан қичи оладиган аёллар кўпайди. Бу аҳвол оилаларни пароканда қилди, жамият олдида янги муаммоларни юзага келтира бошлади.

Ўзбекистон мустақилликка эриш-гач, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий жабҳаларда тўб ислохотларни амалга ошириш жарёнида оила масаласига ҳам катта эътибор бериларяпти. Мамлакатимиз Президенти Исрол Каримов аёлларни улуглаш ва эъзозлашга чақириб шундай дейди:

«...Аввало оналаримиз, опа-сингилларимиз, умр йўлдошларимиз, қизларимизнинг жамиятдаги маъке-нини янада ошириш, иззат-иқромини жойига қўйиш, уларнинг оғирини енгил қилиш — давлатимизнинг, ҳуку-матимизнинг, жойлардаги ҳўкимлик-ларнинг, кенг жамоатчиликнинг асосий вазифаси бўлмоғи лозим».

Баҳор келганда яшашнинг керак-лигини, яшаганда ҳам яхшилик учун яшашнинг кераклигини англайсан киши. Балки шунинг учун ҳам яшаш, яшариш фасли деймиш уни.

— Муқтарам онажонлар, азиз аёллар! Бугун сизларни хар қанча эъзозласак-да, бешиқ тепасида бир кеча бедор ўтказган тунингизнинг, оқ сунтингизнинг қарзини узоқмаймиш. Бахтимизга ҳаммиша бор бўлингизлар!

Норбўта ҲОЗИЕВ



Дошқозонда сумалак бўлиб, Баҳор келди гўзал диёрга.

Қабулхонага кирганимда ёшгина йигит унга аризани узатди. Тания опа диққат билан ўқиб:

- Фуқаролик судига учрашиши керак, — деб маслаҳат берди. — Уй-йўй нисозларини суд ҳал қилишини тушунтирмабсиз-да.
- Айтувдим-у, Тания опадан маслаҳат сўрай деярли...

## КАМТАРИН ВА ЗАҲМАТКАШ

Туман прокуратурасига ўнлаб фуқаролар турли ишлар билан мурожаат этишади.

— Ҳуқуқшунослик факултетига қабул қилиндим ва уни 1984 йили муваффақиятли тугатдим. 1985 йили Қорақалпоқистон Республикаси прокуратурасида катта назорликдан иш бошлаганман. Кейин Нукус шаҳар прокурорининг ёрдамчиси бўлдим. Қорақалпоқистон прокуратурасида бир қатор масул лавозимларда ишладим. 2004 йилдан ҳозиргача Нукус шаҳар прокурорининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаяпман.

мактабда 36 йил рус тили ва адабиётдан дарс берган. Татяна йигирма ёшида туман прокуратурасига ишга кирди. Шунга ҳам ўттиз йил бўлибди. У раҳматли Маҳмуджон Масоджов раҳбарлигида иш бошлади. Туман прокурори хар бир ишда саришталикни талаб қилар эди.

— Янги иш бошлаган пайтларимда вилоят

прокуратураси бўлим бошлиғи Фаина Голдман семинарлар ўтказиб, иш юритишни миридан-сиригача ўргатганди, — дея эслайди Татяна Тарасова. — Ҳўжатларни нуқта-вергулгача бекаму кўст юритишдан сабоқ берганди.

Айнан шу фазилатлари, қўчун-қоридаларга қатъий риоя қилиб, бенўксон иш юритиши тўғрйли ҳамкасбларининг ҳурматино қўзонди. Бир неча бор Бош прокуратура, вилоят прокуратураси томондан рағбатлантирилди.

— Татяна опа ўзининг ишини жўда яхши билганиди, — деди Бағдод тумани прокурори Миролид Фозилов. — Пухта иш юритишди. Ёшларга ҳўжатларни юритиш борасида ибрат бўларяпти, маслаҳатлар бераяпти. Меҳр-оқибатли,



бирга ишлаган устозлари Маҳмуджон Тўрсуннов, Хайдарали Банноповларни йўқлаб туради. Йил бошида, 12 январь кўни Татяна Александровнанинг эллик ёшга тўлишини, иш бошлаганига ўттиз йиллигини нишонладик...

Ушбу камтарона юбилей кечасига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулқўли Каримов ташриф буюриб, камтарин ва заҳматкаш опани куй-қўшиқлари билан кўтлади. Унинг ўғли Тимофей Тарасов Тошкентдаги олий ҳарбий билим юртини битириб, Ўзбеки-

стон Қуролли Кўчларида хизмат қиларяпти. Йигирма олти ёшли капитан Қаршидаги сержантлар мактабиди ёшларга харб илмидан сабоқ бермоқда. Тания опанинг сингиллари Надежда Қўқондаги 12-мактабда ўқитувчи, Наталья Гулистондаги фирмалардан бирида ҳисобчи, Светлана эса Оренбург шаҳрида шифокор бўлиб ишларяпти.

— Кенжа синглим Светлана кузда келганида узоқдасиз, сизни соғинаман, мен билан юринг деб роса қўндиримоқчи бўлди, — дейди Тания опа. — Киндик қоним тўқилган Ватанимни қандай тарк этиш? Ўғлимнинг қарори қатъий, жонажон юртайга хизмат қилди.

Шу Ватан, шу юрт қизи, Бағдод туман прокуратурасининг инспектори Татяна Тарасова эллигини баҳорини эл-юрт хизмати-га камарбаства, куч-ғайратга тўлиб-тошган ҳолда қарши олмақда.

Исроил ИБРОҲИМОВ,  
«Нуқид» муҳбири

## қадри баланд, насибаси бун



**Жиззах вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи, «Шухрат» медали соҳиби Гулнора ХАМРОЕВА билан суҳбат**

гулларидай яшнаб юришларини чин дилдан истаб қоламан.  
— 2007 йил сиз учун қутлуғ келди, шундай эмасми?  
— Худога шукур. Бу йил мен учун қувончли йил бўлди. Президентимизнинг фармониغا асосан «Шухрат» медали билан тақдирландим. Бунинг учун раҳбариятдан миннатдорман. Бу эътирофини тизимда ишлаётган барча хотин-қизларга ҳукуматимизнинг ғамхўрлиги деб тушунаман.

— Бугунги кунда нималар билан бандсиз?

— Ҳозирги кунда қиссалар тўпламини «Чандиқли қиз» номи билан китоб ҳолида босилиш арафасида. Жиззах вилоят прокуратураси муассислигида нашр этиладиган «Адолат ёлқини» газетасида «Яшашим керак» номли қиссам чиқаяпти. Айни пайтда «Қисмат» номли қисса устида ишляпман.

— Сизни ижодга ундаётган нарса нима?

— Прокуратура соҳасида ишлангиз турли одамлар билан учрашасиз. Улардан ҳар бирининг ларди бир қиссага сюжет бўларкан. Бундан ташқари, баъзи жиноят ишларининг тафсилоти ҳам яхши детектив асар пайдо бўлишига за-



Суратда: Хоразм вилоят прокурорининг капта ёрдамчиси Райҳон ЮСУПОВА.

## Аёл билан олам гўзал

— Гулнора опа, аввало халқаро хотин қизлар байрами билан табриклайман. Шу лаҳзаларда ҳаёлингиздан нималар кечаяпти?

— Тинчлик ва оsonлштилик ҳукм сурган мамлакатта байрамлар ҳам, тўйлар ҳам ярашади. Узингизга маълум, жаҳоннинг турли жойларида урушлар, террористик ҳаракатлар, табиий офатлар юз бермоқда. Юртимизни яратганининг ўзи бундай офатлардан асрабтгани рост бўлсин дея аллоҳта шукроналар айтасан киши.

Байрам ҳақида гапирадиган бўлсам, барча хотин-қизларимизни байрам билан қутлайман. Баҳор

— «Нидоқ» муштарийлари сизни ижодкор сифатида ҳам билишади. Қатор асарларингиз «Qonin himoyasida» журнали ва «Нидоқ» газетасида чоп этилди.

— Ижодий ютуқларимда «Нидоқ» газетаси таҳририятининг муносиб улуши бор. Битта асар ўқувчининг қўлига етиб боргунча қанча сайқал берилиши керак. Буни таҳририят ходимлари яхши билишади. «Қасоскор руҳ», «Қотил дароз эли», «Чандиқли қиз» каби қиссаларим ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. «Қасоскор руҳ» асарим «Янги аср авлоди» нашриётида чоп этилди.

мин яратади. Бундай ҳолда қўлга қалам олмай бўладими?

— Нималарни орзу қиласиз?

— Барча оналар қатори фарзандларим камолини кўришни истайман. Ўғлим Озодбекни куёвлик тўнида, қизим Фарангизни келинлик либосида кўрсам, кейин невараларимни етаклаб юрсам дейман. Айтaversам, орзуларим кўп.

— Самимий суҳбатингиз учун раҳмат!

«Нидоқ» мухбири Зайниддин МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди  
Суратда: Гулнора ХАМРОЕВА бўлим прокурори Барно УМАРОВА билан.



## Сарвиноз

Мен сизни севаман, сизни, сарвиноз. Қайгулар тинимсиз ҳамла қилса ҳам, Тун каби тинқора кўзларингизнинг, Кўринмас наштар-ла қалбим тилса ҳам, Қирмизи алмадек юзларингизнинг, Тик қаддим ғамлардан дол буқилса ҳам, Тонгги сабо янгиғ сўзларингизнинг, Менги мазаҳ қилиб дунё кулса ҳам, Фидоси бўлсам ҳам булур балки оз, Бўғзимдан отилиб чиқар шу овоз  
Мен сизни севаман, сизни, сарвиноз. Мен сизни севаман, сизни, сарвиноз

Июдош ПАРДА

Ўзбекистон конституцияси асосида қўллаб қонулар қабул қилиниб, уларда хотин-қизлар учун бир қатор имтиёзлар белгиланган. Жумладан, Меҳнат кодексига уларнинг меҳнатини тўғри йўлга қўйиш, ишга қабул қилишда турли чеклашларга йўл қўймаслик, ҳомилалар ва ёш болалари аёлларга имтиёзли иш вақти белгилаш кўзда тутилган бўлса, Оила кодексига турмуш ва оилавий муносабатларда аёлнинг эркак билан тенг ҳуқуқлилиги, оналикни муҳофаза қилиш ва рағбатлантириш белгиланган.

Ўзбекистоннинг 1995 йил 6 майда «Оналикни муҳофаза этиш тўғрисида»ги, 1997 йил 30 августда «Аёлларга нисбатан камситишнинг барча



шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенциянинг 16-моддасида барча иштирокчи давлатлар никоҳ ва оилага оид масалаларни эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги асосида ҳал этиши ҳамда

мулкка тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Мамлакатимизда 1999 йилнинг «Аёллар йили» деб эълон қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси 18 февралда қарор қабул қилди ва «Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқли, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирлар тўғрисида»ги давлат дастурини тасдиқлади. Олий Мажлисининг 14-сессиясида «Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Унда фарзанд тарбияси учун шароит яратиш ҳамда аёлларнинг меҳнатдан манфаатдорли-

## Хотин-қизлар ҳуқуқининг кафолати

шаклларига барҳам бериш тўғрисида»ги конвенцияларга қўшилиши ва Ўзбекистон Президенти томонидан аёлларни қўллаб-қувватлаш ва уларга қўшимча имтиёз бериш мақсадида юртимизда 1999 йилнинг «Аёллар йили», 2001 йилнинг «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилиниши хотин-қизларнинг ҳуқуқлари доимо давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлганидан далolat беради. Конституциянинг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидирлар» деб ёзиб қўйилган. Бу хотин-қизларимизнинг билим олиш, касб-хунар танлаш, меҳнат қилиш ва иш ҳақи олиш, ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда эркаклар билан тенг имкониятга эгалигини, ҳомилалар аёл учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътил ва бошқа имтиёзлар берилишини кафолатлайди.

оилавий низоларни ечишда аёлларнинг камситилишига барҳам бериш учун зарур чораларни кўриши лозимлиги таъкидланган бўлса, Оила кодексининг 21-моддасида «...оилавий турмушнинг барча масалаларини эр ва хотин биргаликда ҳал қиладилар» дейилган. Аёлнинг оила ва жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашда унинг мулкчи ҳолати ҳам алоҳида ўрин тутаети. Оила кодексига эр-хотиннинг никоҳ даврида орттирган мулк, шунингдек, никоҳга қадар умумий маблағлари ҳисобига олинган мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулкчи ҳисобланади дейилган. Бундан кўриниб турибдики, аёл никоҳ давомида даромад топиш мақсадида бирор жойда ишлямадсан фарзанд тарбияси билан шугулланган тақдирда ҳам оилада ортирилган мол-

гани ошириш мақсадида 3 ёшгача болалари бор, бюджет ташкилотларида ишляётган аёлларга иш ҳақини камайтирмасдан ҳафталик иш вақтини 35 соатдан оширмаслик. 20 йиллик иш стажига эга бўлган аёлларнинг 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи кафолатланди. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигига кенг йўл очиб бериш мақсадида давлат ҳокимиятини бошқаришда аёллар сонининг ортишига алоҳида эътибор қаратилади. Бу ҳуқуқлардан тўла фойдаланиш учун эса аёлларнинг етарли ҳуқуқий билимга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Матлуба АМИНЖОНОВА, Республика Бош прокуратураси қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимларининг малакасини ошириш маркази капта ўқитувчиси



Аёл — буюк сўз. Унда қизлик мусаф-фалиги, қўсбга хос фидойилик, она жасо-рати муқассама.

Можира ШАКАРОВА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).  
Бирок, айрим мутасаддиларнинг вазифасига лоқайд муносабатда бўлиши оқибатида қонунбузилиш ҳолига йўл қўйилган, улар юзасидан тегишли чоралар кўрилди. Жумладан, нафақа пуллари эгаларига топширмай, шахсий ахтиёбга сарфлаб юборган алоқа бўлимларининг ходимлари жавобгарликка тортилди. Қува туман прокуратураси халқ таълими бўлимининг мутасаддилари боғчаларга озиқ-овқат маҳсулотларини тўқис етказиб бермаётгани юзасидан кўрган чоралар тўғрисида таъминот изга тушди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг айрим раҳбарлари аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга оид аслида бўлиб ўтмаган

химоя қилиш прокуратура органларининг доимий эътиборида бўлиб келмоқда.

— **Бешариқ туманидаги Қишлоқ қишлоғи буга бир мисол. Қишлоқ четига табиий газ қувири этиб берган. Кўчаларига уланмасдан, иш чала қолган...**

— Вилоят прокуратураси томонидан қишлоқ аҳлининг мурожаати ўрганилиб, ушбу ишни охирига етказиш учун мутасадди корхоналар жалб этилди. «Водийгазтаъминот» акциядорлик жамияти, Бешариқ пахта тозалаш заводи, Қўжон қурилиш-монтаж кор-

да бу муаммо қандай ҳал этилапти?

— Амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларида ноноҳкорхоналарнинг фаолиятини жонлантиришни кўзлаб хусусийлаштириш, шу орқали ишлаб чиқариш қувватини ошириб иш ўринларини қайта тиклаш, янги ўринларни яратишни рағбатлантириш тартиб-қоидалари белгиланган берилган. Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида президенти ушбу соҳадаги ишлар қониқарисизлигини кўрсатиб ўтди. Бундан хулоса чиқариб, хусусийлаштириш жа-

зилди. 300 миллион сўм инвестиция киритиш шарти билан жамиятнинг акциялари аукционга қўйилди. Жамият бошқаруви органи қайта сайланиши натижасида 700 дан зиёд иш ўрни қайта тикланди. Ишлаётган ходимлар сони 250 дан 970 кишигача кўпайди.

Шунингдек, ҳукумат қарорлари асосида инвестиция киритиш шарти билан бегул берилган 41 та корхонада 52 та янги иш ўрни яратилди. Инвестиция мажбуриятлари кўзда тутилган мuddатларда ортиги билан адо этилапти. Шаҳар ва қишлоқлардаги инқирозга юз тутган маданий-

меҳнат, бандлик ва иктимой ҳимоя идораларининг фаолиятини қонқариш деб бўлмади. Мурожаат қилганларни рўйхатга олиб, иш тақриф этиш, касбга йўналтириш, ишсиз мақомини бериб нафақа тайинлаш жараёнида қонунбузилишлар учрапти. Айрим шахар, туман меҳнат бўлимлари ўзи иш топиб жойлашган фуқароларни ҳам ҳисоботига киритиб, кўзбўямачилик қилишган. Бошқарма томонидан кўзда тутилганга нисбатан 720 та янги иш ўрни қайрилган. Айбдорлар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

— **Бой фермер хўжаликлари дорамадишиг муайян қисмини иктимой ҳола.**

— Албатта, вилоятимизда ширкат

# ЖАМИЯТ ВА

# ФУҚАРОЛАР ХИЗМАТИДА

тадбирларни ўтказилди деб ҳисоботларга қўйиб, кўзбўямачилик қилишган. Масалан, Олтиариқ туманининг «Ғайрат» врачлик пунктида турши этишдаги аёлларнинг лаборатория таҳлиллари тўлиқ чиқарилмаган, «Поллоб» пунктида 6 ёшгача болалар табиий қўриқдан ўтказилмаган бўлса-да, қилинмаган ишлар ҳисоботда қўйиб ёзилган.

Вилоят қон қўйиш маркази врачлари вазифасига лоқайд қараб, табиий кўрик ўтказмай, юқумли касалликка чалинган фуқародан қон олишган. Ушбу қон зардиби табиий муассасаларга бериб юборилиши натижасида тўрт киши юқумли касалликка чалинган. Қайд этилган ҳолатларнинг олдинчи олишга оид прокурорлик таъсир чоралари қўлланди. Умуман олганда, фуқароларнинг ҳуқуқларини

хоналарининг ёрдами билан шу йил 20-26 январь кунлари қишлоқ ичига 40 метрдан зиёд газ қувири тортилди. Барча хонадонлар ушбу қулайликдан фойдаланиш имкониятига эга бўлишди. Қишлоқдаги иккита кам таъминланган хонадонга ҳолийлар ҳисобидан газ уланиб, тўлиқ жиҳозлаб берилди.

— **Бандлик иктимой ҳимоя қоллақларидандир. Қўлларидо муайян касб-кори бор, бироқ корхоналари тўла қувват билан ишламасдан ёки банкрот ҳолига тушиб ишсиз қолган фуқароларнинг рўзгоридан барака кўтаришади. Ишсизлик эса ҳуқуқбузарлик, ҳатто жиноятчи келтириб чиқаришчи сабаблардан бири. Айрим суд ҳукмида судланувчилар ҳақида «Ҳеч қерда ишламаган» деган жумлаш ўқшга тўғри келади. Вилоят-**

раёнида қонунийликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Ўтказилган текширишларда аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш хусусида 40 та тақдирнома, 3 та протест киритилди, 7 та жиноят иши кўзгатилиди. Қўрилган чоралар самарасини бериб, ўтган йилнинг охиригача кўзда тутилган 44 та ўрнига 55 та, шу йил январ ойида эса 5 та корхонанинг давлат улуши сотилди. Давлат мулк қўмитасининг вилоят бошқармаси хусусийлаштириш, баҳолаш жараёнида мол-мулклар хатловини ўтказаяпти. Хусусан, «Қувасой чиниси» акциядорлик жамиятидаги қайта баҳолашда салкам 23 миллион сўмлик мол-мулк аниқланиб, давлат улушига қўшимча 33.264 та акция чиқарилди. Инвесторга тақриф этилган давлат улуши 25 фоиздан 50,3 фоизга етқа-

майиш, соғлиқни сақлаш муассасалари иши қайтадан жонланиб, аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Хусусийлаштирилган корхоналарнинг муайян қисми тўлиқ қувват билан ишламагани ёки фаолиятини тўхтатгани тўғрисида қўлаб ҳодимлар ишсиз қолган. Шундан келиб чиқиб уларни ва коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш дастури қадам-бақдам рўёбга чиқарилапти.

Янги иш ўринлари яратишни рағбатлантириш билан бирга тадбиркорлик, касаначиликни қўллаб-қувватлашга доир қонунлар ижросини таъминлаш чораларини кўраёلمиз. Натижада янги иш бошлаган тадбиркорлар сафи кенгайди.

Шаҳар ва туманларда ўтказилган 64 та меҳнат ярмаркасида 1558 нафар фуқаро ишга жойлашди. Бирок,

хўжаликлари ўрнида ташкил топган фермер хўжалиқларида 31.913 нафар фуқаро ишли бўлди. Фермер хўжаликлари раҳбарларининг ўқуви ташкил қилиниб, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иш юритишнинг қонуний асосларидан сабоқ олишди. Бир неча йилдан буюн фаолият юритиб, оёққа туриб олган фермер хўжаликлари мактаб ва боғчаларни оталиққа олишяпти, имкониятлари доирасида маблағ ажратиб беришди. Муҳтож ҳамжиҳотларга ёрдам беришяпти. Айни оғда прокуратура органлари қонун доирасида фаолият юритаётган фермер хўжалиқлари минерал ўғит, уруғлик, ем, техника, ёнлиги етказиб беришдаги улушларни, қардорлиқни бартараф этишга ёрдам кўрсатишяпти.

«Нуқид» мухбири Исроил ИБРОҲИМОВ сўхбатлашди

## ГИРДОБ

Амал курсиси баъзи кимсаларни тезда ўзгартириб, иззатлаб қилиб қўлади. Баъзи раҳбарлар таъмағирлиқни касб қилиб, дангиллама ховли, кўша-кўша машиналар сотиб олишди ва шу йўл билан маҳалла-кўйнинг назарига тушмоқчи бўлишди. Ажаблаларлиси, баъзи мансабдорларнинг жарга кулашида атрафидоги йўл кўрсатувчилар ҳам сабаб бўлади. «Иккиламчи қора металлар» давлат унитар корхонаси раҳбари Зиёвуддин Шариповнинг ҳам ҳамкасблари шу кўйга солишди. Еши элиқдан олган 3.Шарипов корхона бош хисобчиси Ф.Қамолов, бўлим бошлиғи Н.Руссақов, таъминот бўлими бошлиғининг ўринбосари А.Юнүсов ҳамда «Гулстон хижозлари» хусусий корхонаси бошлиғи А.Алиқуллов ва бошқалар билан келишиб, ҳужжатларга сохта маълумотлар киритишди. Улар маҳсулотларнинг нархини қимматлаштириб, жуда кўп миқдордаги маблағни ўзлаштиришди. Жумладан, 19 та тўлов шартномасини тузиб, «Иккиламчи қора металлар»нинг ҳисоб-рақамидан «Гулстон хижозлари»га 89 млн. 557 миң сўм пулни ўтказиб, 5 млн. сўмни тақсимлаб олишди. Судда 3.Шарипов айбига иқдор бўлди. Лекин терговда аниқланган фактлар ҳамтовокларнинг ҳам қилмишини фош қилди.

Унинг зиммасидаги маъсулият унчалик катта эмасди. 3.Шариповнинг корхонаси бор-йўғи аҳолидан металл парчаларини йиғиб, Бекободдаги «Ўзметкомбинат»га топширади.

Ўзбекистон учун металл сув билан ҳаводек керакли эканини мактаб ўқувчиси ҳам яхши билади. Чунки металлом йиғишда ўқувчиларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Лекин мактаб ўқувчиларининг меҳнатидан манфаатдор бўлган раҳбарни ким деб аташ мумкин?

Х.МИРЗАЕВ,  
Республика Бош прокуратураси бошқарма терговчиси

да-ғи қарори қабул қилинган эди.

Қарор ижросини таъминлаш борасида Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаментининг Хоразм вилоят бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари ўтган йили ўтказган тадбирларда спиртли ичимликларни гайриқонуний тарзда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 50 га яқин ҳолат аниқланди. 4000 литрдан ор-

да яширин цех ташкил қилиб, спиртли ичимликлар тайёрлаб, сотиб келаятганлиги аниқланди. «Сохта тадбиркор»дан ширасига «Урганч ароғи» ёрлиғи ёпиштирилган 780 шиша ароқ олиб қўйилди.

Ноконуний равишда сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқараётган ва сотаётганларнинг пайини қирқинишга қарат ҳужуқни муҳофаза қилиш орган-

миз-да. Ўзи бизга шундай қаққон йиғитлар керак.

Ишнинг хамирдан қил суғургандай осон битганидан хурсанд бўлган Давронбек 11 кишини тезда йўлга чиқарган кўндрди.

Шу тариқа улар Россиянинг Астрахан вилоти «Аксарай» темирйўл вокзалига етиб боришади. Бу ерда икки кун тунайдилар. Давронбек у ерда Амир

сотиб олганмиз, ҳоқласак қул қилиб ишлатамиз. Шунинг учун жим юринлар, — деб кўрқитади. Орадан олти ой ўтиб, уларнинг қўлига бир тийин ҳам бермай кўчага ҳайдайди. Алданган, ҳўрланган фуқаролар қанча-қанча азоблар билан юртга қайтадилар.

Саккиз фарзанднинг отаси бўла туриб, худони унутган Д.Олимовнинг бу ҳаракати қимни бўлса ҳам ажаблан-

# ИЙМОНГА ҚАРШИ БОРИШ — ГУНОҲ

Хоразм вилоти Ҳазорасп тумани «Дустлик» ширкат хўжалиғида яшовчи Давронбек Олимов (исми ўзгартирилди) деган шахс Хўжайли туманига келиб, навбатдаги режасини амалга оширишга киришди. «Ойига икки юз долларлик иш бор. Россияда гишт заводида ишлаётганлиги, тез орада бойиб кетасизлар», — леги у.

— Одамлар ишлаб, мўмай пул топиб келаяпти-ку, — гапта аралашди йиғитлардан бири. — Борсак бориб-

Султон деган шахс билан тил бириктириб, 11 кишини Доғистондан келган Ориф исмли шахсга 113 миң 500 рублга пуллайди ва «қўён» бўлади.

Бу фуқаролар ҳеч нарсадан хабари йўқ, у ерда гишт заводида ишлаб бошлайдилар. Завода Абдурахмон исми иш юритувчи йиғит уларнинг паспортларини йиғиб олиб қўяди. Орадан бир ой ўтиб йиғитлар иш ҳақларини сўраганида Абдурахмон:

— Қандай иш ҳақи? Биз сизларни

тирмай қўймайди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Давронбек Олимов ҳам қўлга тушиб, қилмишга яраша жазосини олади.

Албатта ҳаром тешиб чиқди. Лекин фуқароларимиз чет давлатларга чиқишда тегишли ташкилотларга учраб, маслаҳат олиб қонуний равишда борсалар, бундай номаъқулчиликлар бўлмас эди.

Султон деган шахс билан тил бириктириб, 11 кишини Доғистондан келган Ориф исмли шахсга 113 миң 500 рублга пуллайди ва «қўён» бўлади.

Бу фуқаролар ҳеч нарсадан хабари йўқ, у ерда гишт заводида ишлаб бошлайдилар. Завода Абдурахмон исми иш юритувчи йиғит уларнинг паспортларини йиғиб олиб қўяди. Орадан бир ой ўтиб йиғитлар иш ҳақларини сўраганида Абдурахмон:

— Қандай иш ҳақи? Биз сизларни

тирмай қўймайди.

Жиноят жазосиз қолмайди. Давронбек Олимов ҳам қўлга тушиб, қилмишга яраша жазосини олади.

Албатта ҳаром тешиб чиқди. Лекин фуқароларимиз чет давлатларга чиқишда тегишли ташкилотларга учраб, маслаҳат олиб қонуний равишда борсалар, бундай номаъқулчиликлар бўлмас эди.

С.ИБРАИМОВ,  
Хўжайли туман прокурори

Спиртли ичимликларни кўп миқдорда ичиш инсон соғлиғига, маънавиятига зиён етказиши. Кўпчиликнинг эсида бўлса керак, бундан ўн йиллар илгари чет элдан юртимизга ноқонуний йўллар билан олиб келинган, эл орасида «хитойча ароқ» деб номланган маҳсулотдан кўп кишилар заҳарланган эди. Бора-бора «ўтмас матоҳ»га айланган бу ароқни савдогарлар

тиқ сифатсиз ичимлик истеъмолчиларига етиб боришининг олди олинди. Бундан ташқари ҳуқуқбузарлардан 849 литр этил спирти далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Яқинда қорақалпоғистонлик О.Исмоилов ва бухоролик М.Рўзиевларнинг жинояти фош бўлди. Улар Қозғоғистонда ишлаб чиқарилган 1905 литр этил спиртининг ноқонуний равишда Тўртқўлга олиб кетаётганини қўлга турушди.

Хивалиқ Фарҳод Ваисов эса уйи-

ларнинг иши деб қарамаслигимиз лозим. Уларга қарши курашишимиз энг мақбўл йўли — сифатсиз маҳсулот сотиб олишдан тийилиш, қолаверса ўз-ўзгаланиққа йиғитириш эвазига бировларнинг соғлиғига зиён етказувчилар ҳақида тегишли жойларга хабар етказишдир.

Хайрулла АСЛАНОВ,  
Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

## ҚОНУНИЙ ЙЎЛДАН ЧЕКИНМАНГ

Бозорларда ва шаҳарларнинг гавжум жойларида «Доллар оламан, тило оламан» дейдиган кимсаларни учратиш мумкин. Уларнинг кўпчилиги баъзи содда миқозларга сохта сўм ёки долларни ўтказиб юборишдан ҳам қайтмайди. Яқинда Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Тошкент вилоят бошқармасига фуқаро У.Буранов ариза билан мурожаат қилди. Аризага мувофиқ ўтказилган тадбирда А.Фафуров, М.Тешабоев ва Т.Мухаммадроновлар У.Бурановдан 3200 АҚШ долларини 4 млн. сўмга сотиб олаётганда қўшланди. Қибрай туманида ўтказилган тадбирда фуқаро А.Бахтиозина Б.Қоравдан 2300 АҚШ долларини 2 млн. 904 миң сўмга сотиб олаётганда ушланиб, ўзбек сўми далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Валютага оид жиноятлар таҳлил қилинганда ноқонуний ишларда банк ходимларининг ҳам қўли борлиги аниқланмоқда. Бунга «Пахтабанк»нинг Паркент бўлими фаолиятидаги қонунбузарликлар ҳам мисол бўла олади. Банк бошқарувчиси А.Зоҳидов ва валюта алмаштириш шабоҳасини назоратчи кассири М.Зиёева тил бириктириб, фуқаро С.Тошев, М.Каримов ва Ҳ.Ҳосиловларнинг хар бирига 5000 дан АҚШ доллари сотилганини тўғрисида сохта ҳужжатларни тайёрлаб, валютани қонунга хилоф равишда олганлиги аниқланди.

Юқоридоги барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Валютага оид жиноятлар таҳлил қилинганда ноқонуний ишларда банк ходимларининг ҳам қўли борлиги аниқланмоқда. Бунга «Пахтабанк»нинг Паркент бўлими фаолиятидаги қонунбузарликлар ҳам мисол бўла олади. Банк бошқарувчиси А.Зоҳидов ва валюта алмаштириш шабоҳасини назоратчи кассири М.Зиёева тил бириктириб, фуқаро С.Тошев, М.Каримов ва Ҳ.Ҳосиловларнинг хар бирига 5000 дан АҚШ доллари сотилганини тўғрисида сохта ҳужжатларни тайёрлаб, валютани қонунга хилоф равишда олганлиги аниқланди.

Юқоридоги барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Юқоридоги барча ҳолатлар юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Б.ЖАББОРОВ,  
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК департаменти Тошкент вилоят бошқармаси катта инспектори

# Дидица TV

2007-yil 8-mart, № 10 (531)

**Моҳият**  
Ҳамма узоқ  
яшашни орзу  
қилади, лекин  
ҳеч ким қаришни  
хоҳламайди.  
Ж.ЛАБРИЮЕР

**12-mart, Dushanba**  
07.00, 18.00 «Премьера» (узб)  
07.30, 10.40, 14.00, 16.30,  
20.50 Узбек навалари  
08.00, 19.00 «Премьера» (рус)  
08.30 «Сайилгоҳ»  
08.45, 13.00, 15.45, 17.30 Ми-  
ровые хиты  
09.00 Сериал «Охота на Изюбря»  
12-сер.  
10.00 «Сунмас орзулар»  
11.00 Кино-SMS. Фильм победи-  
тель прошлой недели  
15.00 Теленяня  
17.00 «Судьбы-Такдирлар»  
Клара Жалипова  
18.30 «Кулинар фантазиялари»  
19.30 Сериал «Тайная стража» 1-  
сер.  
20.30 «Спецрепортаж»  
22.00 «Кабельщик» худ фильм  
00.00 Миксер

**13-mart, Seshanba**  
07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS  
(узб.)  
07.10, 10.30, 13.40, 16.30,

17.45, 18.10, 20.25, 21.30 Узбек  
навалари  
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS  
(рус.)  
08.10, 13.00, 14.40, 15.45, Ми-  
ровые хиты  
09.00 Сериал «Тайная стража» 1-  
сер.  
10.00 «Премьера» (узб.)  
11.00 Х/ф «Кабельщик»  
15.00 Теленяня  
17.00 «Топ-20»  
19.10 Сериал «Тайная стража» 2-  
сер.  
20.10 «Сайилгоҳ»  
21.00 «Великолепная семёрка»  
22.00 Х/ф «Человек без лица»  
00.10 Миксер

**14-mart, Chorshanba**  
07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS  
(узб.)  
07.10, 10.30, 14.10, 16.15,  
18.25, 20.10, 21.30 Узбек наво-  
лари  
07.30 «Премьера» (рус)  
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS  
(рус.)

**TV МАРКАЗ канали ҳафталик дастури**  
08.10 «Навбат» Рашид Холиков  
билан  
08.50, 10.00, 13.10, 14.40,  
15.45, 17.45 Мировые хиты  
09.00 Сериал «Тайная стража» 2-  
сер.  
11.00 Х/ф «Человек без лица»  
13.40 «Юлдузли пайшанба»  
15.00 Теленяня  
16.00 «Сайилгоҳ»  
18.10 «Кулинар фантазиялари»  
19.10 Сериал «Тайная стража» 3-  
сер.  
21.00 «Миссия неповторима»  
22.00 Киноколлекция «Ночь»  
00.20 Миксер

**15-mart, Payshanba**  
07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS  
(узб.)  
07.10, 08.25, 10.30, 13.40,  
16.00, 18.10, 21.30 Узбек наво-  
лари  
08.00, 14.30, 19.00 Марказ NEWS  
(рус.)

**16-mart, Juma**  
07.00, 13.30, 18.00 Марказ NEWS  
(узб.)  
07.10, 10.00, 13.40, 15.45,  
19.25 «Этот безумный мир»  
19.55 Территория призраков.  
20.55 Фабрика смеха.  
21.50 Т/с «Дальнобойщики»  
00.00 Т/с «С.С.И место преступления. Майами»  
02.00 Шоу рекордов Гинесса.  
03.00 Т/с «Лас-Вегас»  
04.00 Д/с «Как уходили кумиры»  
И. Тальков.  
04.45 Ночной клуб.  
07.10 «Деньги с неба»  
07.30 Музыка.  
08.00 Х/ф «Джунгарск»  
09.15 М/ф «Аленький цветочек»  
09.55 М/с «Радужная рыбка»  
10.20 М/с «Смешарики»  
10.30 М/с «Просто Норман»  
11.00 М/с «Улица Сезам»  
11.30 М/с «Секретные материалы псов-шпионов»  
12.00 Самый умный.  
14.00 Жизнь прекрасна.  
16.00 Снимите это немедленно.  
17.00 Д/с «Мать и дочь»  
18.00 Истории в деталях. Спец выпуск.  
18.30 6 Кадров.  
19.10 Х/ф «Иван Подушкин. Дженгльмен сыска 2». Фильм 2. «Али-Баба и 40 разбойников»  
23.00 Х/ф «Свадьба лучшего друга»  
01.10 Слава Богу, ты пришел!  
02.30 Кино в деталях.  
03.20 Х/ф «Красотки»  
05.30 Х/ф «Сокрушительная лодка»  
07.00 Музыка на CTC.







# БЕРУНИЙ «ЕҒГАР»

## акционерлик жамияти

*Юртимизнинг барча хотин-қизларини, оналарни халқаро хотин-қизлар кунини — 8 март билан самимий табриклайди.*



Беруний туманидаги «ЕҒГАР» акциядорлик жамияти Қорақалпоғистондаги йирик корхоналардан бири саналади. 320 нафар ходим ишлаётган корхона жамоаси ўтган йили 41 минг 476 тонна чигитни қайта ишлаб, 6 минг 799 тонна қора ёғ, 6 минг 28 тонна оқартирилган ёғ, 1 минг 774 тонна қадокланган ёғ, 18 минг 991 тонна кунжара, 13 минг 241 тонна шелуха ишлаб чиқарди. Ялпи маҳсулотнинг солиштирма нархи 2 млрд. 672 млн. 853 минг сўмни ташкил қилди. Режадаги 130 млн. сўм ўрнига 663 млн. 171 минг сўм соф фойда олинди. Жамоада ишловчиларнинг ўртача иш ҳақи 100 минг 497 сўмга етди.



*Байрамингиз қўнмуз  
бўлсин, азиз она-сингиллар!*

— Ха, уйинги сотдингми? Қанчага кетди? Пулини олдингми, ишқилиби? — меҳмон бўлиб келган синглиси билан кўриша туриб, сўроқда тута бошлади Хидоят опа (исмлар ўзгартирилган).

— Опажон, уйинга сотдим, пулинигми олдим. Мени биласиз-ку, ишимга пухтаман.

— Уйни сотиб, пулини олган бўлсанг, бўшати бердингми? Нарсаларингни қаёққа қўйдинг?

— Харидорлар яхши одамлар экан. Янги уй тоғунимча яшаб туришга рухсат беришди. Энди бирор жойдан уй топишни керак. Менга қара, Бобуржон, мабодо уй сотадинг танишларинг йўқми? — жиянига юзланди Инобат.



## ЎЗИНГИНИКНИ ЎЗАГИНГИНИ КЕСТАНДА...

2006 йилнинг август ойи. Пойтахтдаги масжидлардан бирига кириб келган 30-35 ёшлардаги йигит тўғри имомнинг ёнига келди-да, чўнтагидан бир нечта 100 долларлик чиқариб, унинг қўлига тутказди:

— Масжидга эҳсон қилмоқчи эдим. Иسم Бобур...  
Имом-хатиб нотаниш йигит берган 400 долларни шу заҳоти масжид қассагага толширди. Орадан икки кун ўтгач, масжидга кириб келган у нафар йигит ундан ўша пуллар ҳақида сўрашди...

Бобур аввалига елкасини қисди-да, сўнг шоша-пиша жавоб берди:

— Суриштириб кўрарман.

— Яхши бўларди. Опа, сиз ҳам суриштириб кўринг. Шунча пулни доим ёнимда олиб юролмайман-ку!

— И-е, ҳозир ҳам ёнингдими? Унақа қилиб одамни кўрктмагин, — жонхотлатда гап бошлади Хидоят опа. — Кичкина пул бўлмаса керак. Ҳозир нима кўп, ёмон кўп бўлса. Тагин бир бало бўлиб...

— Нафасингизни иссиқ қилинг-е, опа. Нимага ёнимда олиб юрарканми? Уйдаги сандиққа солиб қўйганман. Калити мана, ёнимда, — у шундай дея сумкасини кавлади-да, уч-тўртта калитни олиб кўрсатди.

— Синглижоним-ей, «Ўзингга эҳтиёт бўл, қўшинингни ўри тутма» деб бекорга айтишман-ку, ахир! Сир бўлмаса қанчага сотдинг?

— Ўн икки минг долларга кетди. Мингини аллақонан ишлатиб қўйдик. Шунинг учун тезроқ бирор тая уй топмасак бўлмайди. Майли, сиз эсон-оман дам олиб чиқинг, угнача балки янғисига кўчиб ҳам ўтган бўлармиз...

Шу кунги сингил опасининг уйда ётиб қолди. Эртаси кун эрталаб Инобат опа чўмилиш учун ваннага кириб кетди. Холасида шунча пул борлигини эшитгандан бери ҳаловати йўқолган Бобур кечадан бўён миясида пишириб юрган режасини амалга оширишга киришди. Ҳеч кимга билдирмай холасининг сумкасиндан калитларни олди-да, секин уйдан чиқиш кетди. Тўғри калит ясовчи устанинг ёнига бориб, уй билан сандиқнинг калитларидан бир нусхадан ясаптирди. Уйга қайтиб келгач, холасининг калитларини яна сездирмай сумкага солиб қўйди. Кўп ўтмай Хидоят опани санаторияга кузатиб, яна уйга қайтиб келишгач, холаси уйига кўнғироқ қилди. Ҳеч ким жавоб бермади шеккили, гўшақни жойига қўйиб, кезига қаради-да, «Биз ҳам энди уйга кетаёламиз» деди. Меҳмонларни кузатиб чиққан Бобур уларнинг автобус бека-

шахобчасига йўл олди. Пулни алмаштириб, тунгача айланаб юрди. Эртаси кун эса масжидга бориб, 400 долларни эҳсон қилиб юборди. Орада ўзини гўё хабар олаётгандек қилиб кўрсатиб, холасининг уйига кўнғироқ қилди. Уй олган-олмагани билан қизиққан бўлди. Шу кунларда уйига ҳам келмай, 450 долларни арзимган нарсаларга сарфлаб юборди.

Бу пайтда эса сандиқни очиб, пуллар йўқлигини кўрган Инобат опанинг ҳўши бошидан ўчди. Аввалига роса ҳайрон бўлди. Сандиқнинг калити жойида турган бўлса, калитни ҳам доимо ёнимда олиб юрса...

Биринчи бўлиб кўлининг сўроққа тутди. Сўнг ўглидан гумонсирлади. Кейин катта ўғлида ҳам уйнинг калитидан бир нусха борлиги ёдига тушиб, уни ҳам қақиртирди. Улар ҳам ҳайрон бўлишди. Нима қилишми, кимдан ёрдам сўрашни билмай, охири фолбинларга ҳам мурожаат қилди. Аммо фойдади бўлмади, пул ҳам топилмади. Ҳаммасидан ҳам боё айтингандек, уй билан сандиқнинг қулфи бузилмасдан очилгани-ю пуллар олинганча, яна

шундай қулфлаб қўйилиши жуда ҳам сирли эди. Демак, кимдир уй билан сандиқнинг калитларини олиб, улардан нусха кўчиртирган ва шу йўл билан пулларни ўғирлаган. Бундан эса, ўша кимдир оилага жуда ҳам яқинлиги кўриниб турарди.

Бу орада Бобурнинг турли жойлардан кўнғироқ қилиб, ҳола-аҳвол сўраши, гап орасида эса янги уй топишганими ё йўқлигини суриштира бошлагани уларни қизиқтириб қўйди. Жиянининг тўсатдан бунчалик меҳрибон бўлиб қолганидан шубҳаланган Инобат опа зудлик билан ўғилларини опасиникига жўнатди. Бирок улар Бобурни ҳеч қаердан топа олишмади. Энди ундан гумонсирай бош-

лашди. Ака-ука ўзаро маслаҳатлашиб ҳамда қўриқдаги тахмин асосида уйларига яқин ерда жойлашган калит ясовчи устанинг олдига боришди. Ўз навбатида уста ҳам, дарҳақиқат, бир-икки кун олдин улар кўришганини тасвирлагандек йигит келиб, иккита калитга нусха ясаптириб кетганлигини айтиб берди. Ҳатто ака-укалар кўрсатган уй билан сандиқнинг ҳақиқий калитларини ҳам таниди. Энди шубҳага ўрин қолмаган эди. Пулларни Бобур ўғирлагани аниқ бўлди. Дарҳол туман ИИБга ариза билан мурожаат қилишди. Шу кунийек хибсага олинган Бобур қўлимини яшириб ўтirmай, ҳамма гапни айтиб бериб, ишлатганидан қолган 10150 долларни қайтариб берди.

Жиянотчи қилмишига яраша жазосини олди. Аммо...  
Кези келганда ҳола оўрнини босади дейишди. Бобурнинг қилмиши эса ҳеч бир қушоққонга сиймайди. Ўзингники ўзагиники кесади деганлари шу бўлса керак.

Ахбор МУҲАММАДБОҚИЕВ,  
Собир Раҳимов туман прокурорининг ёрдамчиси

## «ОТЧОПАР»ДАГИ ОЛИШУВ

Баҳор кунларининг бири эди. Халқ тилида ҳамон «иплодром бозори» деб юритилувчи Чилонзор буюм бозори одатдагидай гавжум.

Пойтахтга келиб савдо-сотик билан шуғулланишни ният қилган Ижодбек (исмлар ўзгартириб берилмади)нинг ишлари юришавермади. Тайинли иш тополмаганидан бозордаги танишларига қарашиб юрган бу йигитчанинг арзимас тортишувларни ҳам росткам жанжалга айлантириб юборишига оғайнилари кўниқиб қолмаган эди.

Уша кун ҳам шундай бўлди. Шу бозорда савдо қилаётган янгийўллик Отабек Ижодбекнинг танишларидан бирига каттикроқ гапириб юборган, бу эса унга зимдан адоват билан қараб келаётган Ижодбек учун бир бахона бўлган эди. Уртага тушган оғайнилар муқарар олишуви тўхташтига чора топишолмади, аниқроғи, улар буни исташмади.

Олишув жойи ва вақти белгиланди. Эндигина йигирмадан ошган йигитлар «жангга тайёрланаётган бир пайтда томошалаб оғайнилар кимнинг қўли баланд келиши ҳақида гаров тикиб ҳам улғуришди.

Уларни ниятидан қайтарадиган киши топилмади.

Кечки соат тўрт. Йигитлар бозор ортидаги майдонга тулланишди. Атрофда улардан бошқа ҳеч ким йўқ ҳисоби. Бир тарафда Отабекнинг, иккинчи тарафда Ижодбекнинг тарафқарилари.

Икки рақиб тўдалан узоқлашди. Одатига қўра муштига дастурмолини ўраб олган Ижодбек рақибига биринчи бўлиб зарба беришга улғурди. Муштлашув бошланди. Кетма-кет тушаётган зарблардан бироз ўзини йўқотган Отабек рақибининг ўйлаганидан қучлироқ эканлигини дарган тушунди. Ҳар эхти-моққа қарши олиб келган личоғига қўл узатди.

Унинг қўлида личоқни кўриб тарафқариларининг деми ичига тушиб кетди. Улар ўртага тушганда эса кеч бўлган эди: Отабек личоқни Ижодбекнинг икки сонига кетма-кеч санчиб олди-да, қочиб қолди.

Оғрик зўридан юзтабун йиқилган Ижодбекнинг аҳволи оғир эди. Шериклари эса шу қадар ношуд эдикки, унга биринчи ёрдам кўрсатиб, шифохонага этакзиш, милицияга хабар беришни ҳам эпашлолмади. Бир тезда такси ушлаб шифохонага олиб бориш кераклигини айтса, боқшаси телефон қилиб вақтни ўтказди. Яна бири таксиде касалхонага жўнади. У ердигилар беморни уларнинг ўзлари олиб келишлари кераклиги ҳақида «маслаҳат» беришди. Жароҳатидан қон оқаётган Ижодбек шу тариқа бир неча соат қолиб кетди. Уни тез тиббий ёрдам марказига етказганларида эса жони узилиб бўлган эди.

Жиянот жазосиз қолмади. Йигирма икки ёшида котилликча қўл урган Отабек суд ҳукми билан ўн бир йилга озодликдан маҳрум этилди.

Бу котилликнинг олдини олиш мумкинми, нега атрофдагилар лоқайд бўлишди деган саволларга жавоб қидирар эканми, кимгадир сабаб бўлар деган ниятда воқеани баён қилдик.

Лола ШОМУРОВА,  
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси

...Иқбол отасининг қорнига санчган пичокни сўғуриб олди. Қўллари-га чипта ёпишган қонни томоша қилди. Кейин оёқлари остида буралли ётган отасига қараб беғўшона илжайди. Тўғриси, у содир этиб қўйган ёвузликни аниқ-тиниқ ҳидроқ этолмас эди.

Ташқарида кимдир қақириб қолди. Иқболнинг эс-қўши уйғона бошлади. Қўлидаги пичокни шимининг чўнтагига солди. Гоҳ жимиб, гоҳ тўлғонлиб ётган отасининг устидан сакраб ўтиб, очик деразадан кўчага тушди. Эсига қўп вақти ўтадиган шу атрофдаги ширкат ҳўжалигининг трактор парки тушиб қолди. Қўшнларининг ҳовлисини босиб ўтса кифоя...

Сўрига тўшақ солаётган Зулфия опа дарвозасидан қўллари, қўйлаги қон, ялангоёқ кириб келган қўшнисининг ақли норасороқ ўғли бўлган Иқболни кўриб, кўржиб кетди. Узини четта олиб, дағ-дағ қалтираганча:

— Қаёққа кетаяпсан? — деб сўради.

— Шўёққа кетаяпман, — деди қонли қўллари билан олдини кўрсатиб Иқбол. — Гаражда ишим бор.

Зулфия опа қўшининикида бир бало бўлганини сездди. Ўзинга келгунча Иқболнинг қораси ўчган эди. Трактор парки деворидан ошиб тушган Иқболнинг кўзи шохлари мевадан ларзон бўлиб турган олмага тушди. Ютоқиб хом олма-ларга қўл чўзди. Қўлидаги қонга бўялган олман шўша-пиша оғзига солиб, чайнай бошлади. Яна олма узиб

оғзига солди, кейин чўнтақларини тўлдирди...

Уртақўрғон қишлоғида рўй берган бу муҳим воқеа бутун туман ахлини ларзага солди. Бу оилани



## ҚОНЛИ ОЛМА

яқиндан билганлар турлича фикрда эдилар: кимдир падарқушга айланган болани айбласа, бошқа биров отасида ҳам айб бордин-да дерди. Аслида воқеа қандай содир бўлган эди?

Жабрланувчи сифатида эътироф этилган Ҳурматов Убайдуллаеванинг кўргазмасидан эътиборли жойларини келтирамиз: «...Оилада беш жонмиз. Ўғлим Иқбол 1980 йил 1 апрелда туғилган. Мактабни тамомлаб олманган. Бешинчи синфга ҳўқандан сўнг мактабга юбормай қўйганмиз. Тўғма руҳий касал, шай-

тонлаб қоладиган дарди бор. Доим уйда, айтган юмушимизни қилиб юради. Овқат пиширишни яхши билди. Ёмон гапни билди, яхши гапириб юрар эдик. Отаси билан тез-тез жанжаллашиб қоларди. Турмуш ўртоғим ҳам асабийроқ, чўчки Афғонистонда хизмат қилиб келган эди. Икковининг жанжаллашиб, муштлашиб кетган вақтлари олдин ҳам бўлган. Лекин отаси ўғлини яхши кўрарди. Ораларига кўп тушардим. Кечаси дарди тутиб қолмасин, тинч ухласин деб отаси ёшигидан ёстиги тагига пичоқ, қалампир қўйиб кўяр-

ди. Жанжал кўринча Иқболнинг уй-қўчилиги орқасидан чиқарди. У кўп ухлаб, кеч турарди. Дадасига шу оdatи ёқмасди. Уша кун ҳам отаси уни саҳарда уйғотмоқчи бўлган. Ўғлимнинг дарди кўзаб турган эканми, билмадим, шу қулфат бошимизга тушиб турибди...».

Оила соҳиб Иқром Маматқўловнинг касби ҳайдовчилик эди. 2000 йили «Иқболжон» фермер ҳўжалигини тузишган. Далада ҳам, уйда ҳам иш кўп эди. Эртдан қош қорайгунча тиним биллишмасди. Уша кун ҳам барвақт туришган, гўза яғана-

сига чиқишмоқчиди.

Одатдагидек Иқбол уйғонмаган эди. Синглиси, онаси кириб уйғотишди. «Бўпти» деди-ю, турмади. Кейин отаси кириб:

— Тур, ўрнингдан, — деди Иқболнинг устидаги қўрпани зарда билан очиб. — Далага борасан.

Иқбол гинглиб қўзларини бир очди-ю, яна юмиб олди. Иқром ака жаҳл отига минди. Жавраб-жавраб чиқиб кетди. Бироз ўтиб яна қайтиб кирди. Бўралаб сўкинганча:

— Тур деяпман сенга, қанту! — деб Иқболнинг елкасидан торққила-

ди. — Мен сенлар учун тинмай меҳнат қилаяман, қадримга етмайман, сенларга нон бермай ўлдириб юбориш керак!

Иқболга «кантуж» деган сўз умуман келтирилган келтирарди. Кўчада шундай деб қолган болалар билан кўп уришган. Энди отаси ҳам шундай демоқда.

— Нега мени унақа деяпсан? — деди шартта ўрнингдан туриб отасини сенсираб. — Узинг кантужсан...

Ота-ўғил ёқалашиб кетишди. Иқбол анча бақувват эди, отасини хонадан суриб чиқариб юборди.

Ховлига чиққан ота қўлга илашадиган нарс қидирди. Деворга сўяб қўйилган таёқни кўриб қолди. Бу вақтда Иқбол ҳам пичокни қўлинига солиб, отасининг қайтиб киришини кўтиб турган эди. Ота кирасолиб сўкинганча ўғил устига қўлданга таёқни кўтарди. Ҳақорат ва калтаққа чидай олмаган ўғил қўлидаги пичокни олди...

Воқеанинг давомини ҳижомиз бошида келтириб ўтганмиз. Қўли қонга ботган ўғил қочиб кетгач, ичкарига кирган онаси даҳшатли ҳодиса устидан чиқди. Қўшннинг машинасида шифохонага олиб кетилаётганида Иқром аканинг жони узилади...

Милиция ҳодимлари Иқболни ўша трактор паркидан топиб келишди. Чўнтагидан отасининг бошига етган пичоқ ва қон доғлари теккан хом олма-лар топилиди. Оғир жиноят содир этиб қўйганини хис этдимки, «Даданги нима қилиб қўйдинг, ўғлим?» деганча ю-юм йиллаб ўтирган онасининг ҳолати таъсир этдимки, қўзларидан униси ёш думалади...

2006 йил 17 июл кунини бўлиб ўтган жиноят ишлари бўйича Фурқат туман суди маҳкуми ахримига қўра Иқбол Маматқўлов кузатув қўйитирилган руҳий касалликлар шифохонасига мажбурий даволанишга юбориладиган бўлди.

У. БЕРДИЕВ,  
Фурқат туман прокурори,  
Х. ЖўРАБОВ,  
журналист

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Жиноятчи ётмади.  
— Ёт, бўлмаса отаман.  
Йигит қорни тошлоқ йўлга ётди. Қобил машинадан тушиши билан ичкарида инграб ётганлардан бири унга ўқ узаётганини кўриб, ўзини харсанг панасига олди. Қора судралиб машинадан тушиб, олдинги эшикни очди. Шофёрнинг жойига ўтириб, машинани юргизди. Бир кўли билан рулни бошқариб Қобилга кетма-кет ўқ узди-ю теккизолмади. Қора машинани катта йўлга ҳайдаб чиқди. Шофёрнинг ҳайҳайлашига қарамай кетиб бўлади. Қобил билан отишаётган шофёрнинг ўқи тугади. У бошини бирпас асфалтга қўйиб ётди. Сўнг иргиб туриб бақира бошлади:

— От! Мана, от! Хаммадан, милицияндан ҳам, Олимбегиндан ҳам, партия-мартияндан ҳам тўйдим. Мени барибир ўлдиришадди, ундан кўра ҳозир ўлганим яхши. Жон огайни, мени отиб ташла!  
— Отмайман, қонун олдида жавоб берасан.  
Қобил камарини олиб жиноятчининг қўлини боғлади.  
— Қоч! Олимбекиннинг одамлари келаяпти. Тезроқ бўл. Иккимизни ҳам ўлдиришади. Ҳаммаси тамом энди.  
Қобилнинг кунботар томондан келаётган машинага кўзи тушди.  
— Нега энди Олимбекиннинг одам-

— Бўпти, розиман.

Гайрат Қобилдан дарак бўлавермагач, хавотирга тушиб ҳовлига безовта қараб қўйди. У ерда руҳий касаллар бир-бирини юмдалашар, оқ халатли киши кўриниши билан ҳамма унга жим қараб турарди. Эшик очилиб, Гайратнинг диққати бузилди. Врач ўртоғи ташвишланган эди.  
— Бўл тезроқ, орқамдан юр!  
— Нега?  
— Негалигини кўчага чиққанда айтаман. Имилласанг кеч бўлади. Бош врач йўқлигида кетиб олайлик.

Коридорда навбатчи врач учради.  
— Қаёққа? Бош врач бу кишини ҳеч қаёққа чиқарманглар деб тайинлаган.  
— Менга рентгендан ўтказиш тайинланган. Рентгендан ўтказиб, ўзим олиб келаман.  
— Ундан кўра ҳовлида бир-бирини еб ётганларга қарамайсизми?  
— Биз келгунча уларни тинчлатириб туринг. Кейин ҳам қўриқлайверасиз. Бу киши соғайиб қолган. Қочмайди ҳам, шовқин

новчан тикилди.  
— Бўлмаса, бундай қиламиз. Фронтовой кўшнинг бор, ҳозир военкоматда ишлайди. Шундан ёрдам сўраймиз.  
— У киши нима ёрдам бера олади?  
— Бобоси ҳам офицер бўлган. Ўзи разведкада командир ўтган. Сизларни айтган жойларингизга беҳавотир олиб бориб қўяди. Кундузи қидирган одам, кечаси қидирмай-дими? Раз шундай экан, унинг машинасида ҳеч ким хавфсирмайди, билдиларингми?  
— Ишдан чарчаб келганман, — дейиши мумкин.  
— Ҳечам-да, унга мен айтсам Москвага ҳам обориб қўяди. Эллик йиллик кўшни, бунинг устига уч йил бирга разведкада бўлганмиз.  
— Раҳмат, отахон, — Қобил жим қўйди.  
— Сизларни ҳам ташвишга қўйди.  
— Аммо бирпас шу

вақтимни олманг.  
— Бир сирни айтсам мен билан учрашасизми?  
— Учрашаман, агар арзирли гап бўлса.  
— Барибир телефонда айтмайман. Ҳозир ўрнингиздан туриг-да, сталингизнинг тагига қаранг, кейин жавобини айтасиз, кутиб тураман.  
Эркин ажабланиб ўрнидан турди. Кабинетни ичкаридан беркигиб, иккинчи стол остини эгилиб кўздан кечира бошлади, кафтдек магнитофонни кўриб ажабланди. Бориб гўшаки кулига олди.  
— Алло, мен сизни қандай топаман?  
— Қийин эмас, машинангизга мининг-да, катта кўча бўйлаб ўнгга, кинотеатрга қараб юринг. Ўзим сизни тўхтаман. Қўлимда қизғиш папка бўлади.  
Хози-



## Исматилла ЙЎЛДОШЕВ

# Ибليس талвасаси

лари бўларкан?  
— Сени тинчитишимиз билан улар келиши керак эди.  
— Ростми?  
— Рост.  
— Сен уларни кутмайсанми?  
— Падирига лаънат барининг. Кеча бири уриб ўлдириб қўйди деди. Қобил унинг қўлини бўшатди.  
— Кетдик.  
Паналаб қочишди. Турган жойларидан юз метрча узоклашар-узоклашмас ихкала машина ҳам тўхтади. Саккиз киши уларни ахтара бошлади. Улар паналаб анча баландликка, арча орқасига ўтиб орқақарашди. Жиноятчилар воқеа жойини бироз кузатгач, машиналарига ўтириб жўнаб кетишди. Қобил оғир тин олди.  
— Кетавер, фақат уйингга кет.  
— Уйим бўлса кетаман-да. Бир онам бор эди, оламдан ўтди.  
Яна жим қолишди.  
— Бу ерларга ҳеч ким келмаса, чодир тикиб яшасан, одам зотини кўрмасан, — деди шофёр.  
— Сен одамгарчиликни йўқотганлар билан юравериб, ҳаммани ўшалардек деб ўйлайсан. Ишга жўйлаб қўямий?  
Йигит ялт этиб Қобилга қаради.  
— Ҳозирга келиб олишим керак. Бунинг устига қорадорига ўрганиб қолганман. Ҳозир бирам кўмсаёпманки...  
— Менга қаранг, исмингиз нима?  
— Учқун.  
Қобил ўз-ўзидан Учқунни сизлаб гапира бошлади:  
— Ҳозирча уларнинг орасида бўлиб туролмайсизми?  
— Энди менга ишонмайди.  
— Юзингиз, оёгингиз яраланди. Қочиб келдим дейсиз. Бундай қиламиз. Мен қўлимни боғлаб оламан. Отгандим, йиқилди, ўлдими-йўқми — билмайман дейсиз. Мен уч кундан сўнг қўлимни боғлаб ишга бораман. Шунда уларнинг агенти гапингизни тасдиқлади.  
Учқун ўйланиб қолди.

ҳам солмайди. Тўғрими?  
Гайрат дарров фаҳмлаб ҳа-дегандек боши билан жавоб қилди. Навбатчи врач:  
— Хўжайинга ўзингиз жавоб берасиз. Менга буни ҳеч қаёққа чиқарманг, кутурган дейишганди, — деб эшик томон йўналди. Врач билан Гайрат қоровулхонага етишди. Қоровул эшикни очмади:  
— Қудратов, мумкин эмас, хўжайин бу кишини чиқарманг деган.  
— Очинг, рентгендан ўтказиб келаман. Бошининг суяги чаток.  
— Йўқ, бошлиқ келмагунча очмайман.  
Қудратов панжарали деразага яқин борди.  
— Ҳозир бошлиқ билан сизни телефонда улайман, хонага мени киритинг.  
Қоровул иккиланиб турди-да, темир эшикни очди. Врач кира солиб унга пичоқ ўқталди:  
— Қани, калитни бер.  
Қоровул иккиланиб ташки дарвозани очиб, оксоқлана-оксоқлана қайтиб кирди-ю, тревога кўтарди. Врач билан Гайрат Қобилнинг машинасига ўтириб жўнашди. Уларнинг орқасидан шифохона машинаси йўлга чиқди. Қобил қалтис йўллардан машинани адаштириб юрди. Бир жойга келганда очик турган икки табақали дарвозадан машинани ҳайдаб киришиб, дарвозани беркитишди. Уй эгаси ханг-манг бўлиб, қалтираб айвондаги телефонга ёпишди. Қобил югуриб бори унинг йўлини тўсди.  
— Амаки, кўнгирак қилманг, илтимос, биз орган ходимларимиз, жиноятчилардан қочиб кирдик.  
Жавоб ўрнига чол гудранди:  
— Болалар ҳам аҳмоқ-да, дарвозани ланг очик қолдираверишади. Энди нима қилдим, сизларни қўришган бўлса, мени ҳам бир ёқлик қилиб кетишадим.  
— Ҳеч ким кўргани йўқ. Қоронғи тушиши билан кетамиз.  
Чол бироз ўйланиб, уларга си-

ерда ўтириб турасизлар. Мен уни агитация қилиб келай.  
Чол шундай деб столга нознеъматлар қўйди. Пахта гулли чойнакда пиваларга чой қўйилди. Нон ушатилди. Сўхбат анча чўзилди. Сўнг чол кўшнинг уйига чиқиб кетди. Кўп ўтмай кўча эшик очилиб, у билан бир полковник кириб келди...  
Кутилмаганда Эркинга Собиржоннинг ўзи кўнгирак қилиб, ҳа-кириб қолди. Водийда қайсидир қора кучларнинг кутуси билан мексети турклари ва ўзбекларнинг жанжали бошланганини, ўзини эса шошилинч Москвага қақришаётганини айтди.  
— Вилоятда сизга суяниб юргандик, энди бизга қийин бўларкан-да, — деди Эркин.  
— Қийин бўлмайди, мен барчасини ўйлаб қўйганман. Топшўлатовга айтиб қўйдим. Сенга вилоят ички ишларидан иш беради. Аммо эҳтиёт бўлиб ишла.  
— Майли, ишқилиб тинчлик бўлсин. Сиз Москвадан келгунча...  
— Майда гап бўлма. Бўпти, керак бўлиб қолсам, мана телефон номерим. Кўнгирак қил!  
— Хўп бўлади. Барча айтганларингизни бажараман.  
— Хайр, саламат бўл.  
Эркин Собиржоннинг хузуридан кайфияти кўтарилиб қайтди.  
Уч кундан кейин барча ахборот воситалари Собиржонов республика раҳбарлигига ишга ўтганлиги ҳақидаги хабарни тарқатди.  
Эркин хонасида ўтирган эди, телефон жиринглади.  
— Ўртоқ майор, сизда ишим бор эди.  
— Кимсиз, нима иш экан?  
— Телефонда айтиб бўлмайди.  
— Менинг махфий ишим йўқ. Ишингиз бўлса айтинг, бўлмаса

роқ чиқаверинг.  
— Хўп, келишдик. Мен чиқаяпман, — майор тўпқончасини олиб ўқлади. Қўшимча саккизта ўқ ҳам олди.  
Коридорда навбатчи сўради:  
— Ўртоқ майор, сўраб қолишса, нима деб қўяй?  
— Иш билан чиқиб кетди, тушдан кейин бўлади денг, вассалом.  
Серкатнов кўчада қўл кўтараман деган киши кўримайдми. Энди умидини узиб, светофорнинг қўқ чирроғи ёнишини кутиб турганида, ён-бошидаги машинада ўтирган икки кишининг бири машинанинг очик деразасидан ҳатто ёнидаги одамга ҳам сездирмай қоғоз ташлади. Эркин четга ўтиб тўхтаб, қоғозни олиб олди.  
«Бир соатдан сўнг сизни «Горький» колхози четидан оқиб ўтадиган канал бўйида, кўприкдан ўтгандан сўнг тупроқ йўлда кутаман». Майорнинг боши қотди. Магнитофонни кўздан кечириб ишлатиб кўрди.  
«...Терговчи ака, худо урсин, кўрганим йўқ.  
— Елгон гапираяпсиз, уларни милиция формасидаги жиноятчилар олиб кетганини чойхоначи чол айтаяпти-ку. Сиз бўлсангиз билмайман дейсиз.  
— Мен кўрмадим, кўрсам айтардим...»  
Учирди.  
«Етавба, мен вилоят прокуратурасида тузилган тергов гуруҳида ишлаётган бўлсам. Балки Қобил ва Файратни олиб кетганларни ким кўрганини билиш учун қўйишгандир? Шошма, чойхоначи чолни йўқотишмасин тагин. Ягона гувоҳ у».  
Машинани чойхона томон бурди. Чол йўқ эди. Шеригидан адресини олиб машинани юргизди. Катта йўлда унга қизил фургон эрғашди. Олдин ёнма-ён келиб майорга қаради. Сўнг орқада қолди. Яна қувиб ўтиб гашига тега бошлади. Эркин нима қиларини билмай дўкон ёнида тўхтади.

Сўнг телефон будкасига кириб дўсти, вилоят хавфсизлик бошқармаси инспекторига телефон қилди.  
— Алло, Эргашмишан?  
— Ҳа, сенмисан, Эркин?  
— Ҳа. Вақтинг бўлса, машинанг-да тез чик. Мен фабрика ёнидаги дўкон олдидаман.  
— Нега бунча шошилини? Америка йағоқчисини кўрдингми дейман?  
— Ёрдаминг керак.  
— Ишим кўпроқ эди.  
— Жуда кераксан, орқамдан одам тушган.  
— Узимизнинг одамларданми ёки жиноятчиларданми?  
— Жиноятчиларникига ўхшайди. Умуаман, қолган гапларни кейин айтман. Тез етиб кел. Мен билан учрашмасдан ортимдан юравер. Каналдан ўтиб буриламан. Сен бир километр ўтиб кутиб тур. Ўқ овози эшитилса ёки ярим соатдан кўп кечиксам орқамдан келасан.  
— Зўр-ку, яна бир иш бошладингми?  
— Бўл тезроқ, кутиб тураман.  
— Чиқаяпман.  
Эркин будкадан чиқиб, нон дўконига борди. Нон олиб машинага солган киши бўлиб атрофни кузатди. Фургон йўқ. Сал нарида юк машинаси турибди. Сигарет тутатди. Бу орада ўртоғининг машинаси кўринди. Эркин машинани юргизди. Олдинма-кейин каналга етишди. Эркин ўнгга бурилди. Анча юргач, тўхтади. Мотоцикл тузатиб турган киши олдин парво қилмагандек қаради. Сўнг сигнални сингаган киши бўлиб, уч марта чалди. Сигнал овози тинар-тинмас қорачадан келган бир йигит дароҳлар орасидан чиқиб келди.  
— Салом, ўртоқ майор.  
— Салом, — деди Эркин унга бироз тикилиб. — Танимадим?  
— Танимайсиз ҳам. Вақт эик, хўжайин йўқлаб қолиши мумкин. Мен жиноят қилиб қамалиб чиққан Учқунман. Хўжайиннинг шайқасиданман. Шунинг учун ўзим айтиб қўя қолай. Хўжайин машур раис Олимбек Султонов. Биздан ташқари ҳам анча одами бор. Гапнинг индаллоси, улар врач билан Файратни ўлдириш учун қидиртайляпти. Улар эса сизнинг назоратингизда. Сизлар қидираётган «Сарик» лақабли Умарни Қобил аканинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ўлдирдим. Шунга билиб ва ҳисобга олиб қўйишингиз учун учрашаяпман. Кабинетингиз ва уйингиздаги телефон суҳбатини эшитишасиз. Сизларнинг бошлиқ ўринбосарингиз Розиков ҳам унинг одами. Хайр, мен кетдим.  
— Тўхтанг, бир таклифим бор.  
— Нима қилишим керак, шпюнкликми?  
— Сиз шу пайтгача етарли жиноят қилиб бўлдингиз.  
— Жиноятчилигимни ўзим ҳам биламан. Қўрқитмай қўя қолинг. Унинг устига одамнингизни кутқариб қолган тенгача ҳам мен.  
— Топилиш сизлар гўмдон қилганмисизлар?  
— У кўрқоқ, фирт гўл экан. Имладим, тушунмади. Шерикларимга халал бериб турдим. Қочишни хавлига ҳам келтирмайди. Қибла томондаги каналга ташланган.  
— Барибир сиз иштирокчи бўлгансиз.  
— Сиз билмас экансиз. Уч марта одам ўлдириш Қора лақабли тўданинг одамлари Олимбекка ёлланиб бу ишни амалга оширишган...

*Хурматли ўқувчилар! Сиз Самарқанд вилояти прокуратурининг катта ёрдамчиси Исматилла Йўлдошев қаламиса мансуб «Ибليس талвасаси» детектив қиссасининг бир неча бобларидан баҳраманд бўлингиз. Шубҳасиз, совиқ Интшфок парчаланиш арасидада Ўзбекистонда бўлиб ўтган асар воқеалари сизни бефарқ қолдирмаган. Бу қисса китоб ҳовлида чоп этилган арасидада. Унинг давомини мажмур китобдан ўқийингиз мумкин.*

## Муборак бўлсин!

Тўйхат ўрида

Узоқ йиллар прокуратура тизимида самарали фаолият кўрсатиб, хозирда кексалик гаштини сураётган Ҳамидулла Отақузиев табаррух 80 ёшни қаршилади. У киши қарийб 47 йилдан ортқ иш фаолияти давомида, жумладан 15 йилга яқин Фаргона, Тошкент вилоятлари ва Республика Бош прокуратурасида фаолият кўрсатиб, захматли меҳнат йўлини босиб ўтди.



Ишлаш даврида ижобий фаолият кўрсатиб, фидойиллик ва хизмат бурчиغا садоқатли бўлиш каби инсоний фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳамда жамоатчилик орасида ҳурмат қозонди.

У кишининг Республикада қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш борасидаги узоқ йиллик ҳалол меҳнати ҳукуратимиз томонидан муно-

сиб баҳоланиб, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист» унвони ҳамда «фахрий ёрлик» билан тақдирланди.

Бугунги шодиёна кунда Ҳамидулла Отақузиевни муборак ёши билан табриқлаб қоламиз. Ўзига ва оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, хонадонига тинчлик, осейишталик, бахт-саодат тилаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази

РЕКЛАМА / РЕКЛАМА

ДИККАТ!

## ИККИ ЙИЛДАН БУЁН РИНЗА ТАБ. №10 ДОРИСИ ЎЗБЕКИСТОНДА ГРИПП ВА ШАМОЛЛАШГА ҚАРШИ 1-РАҚАМЛИ ВОСИТА ҲИСОБЛанаДИ

Энди РИНЗА таб. '10 голограмма билан

2007 йил 12 февралдан эътиборан «Pharmed sanoat» хусусий корхонаси дорининг аслини ва истеъмолчи ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уни ГОЛОГРАММА — ҳимоялаш тизимини қўллаган ҳолда ишлаб чиқармоқда. ГОЛОГРАММА дори қутисининг ҳар икки томонида жойлашган.

Сизларга ҳамisha омонлик тилаймиз!

Мурожаат учун телефонлар: 399-55-00; 175-75-00



(Давоми.)

Бошланғич ўтган сонда. Газетанинг ўтган сонидagi мулоҳазаларимизда атайин масалага танқидий ёндашган эдик. Бу ўқувчиларимизни ҳам, тегишли идораларни ҳам беэътибор қолдирмади.

Ҳамза туманида яшовчи бир фуқаро тахририятга телефон қилиб, ўзи яшайдиган маҳалла аҳлининг айнан шу масалада боши қотиб келаётгани ҳақида гапириб берди. Мазкур маҳаллада яшовчи итбоқарнинг «жангари» итларидан безор бўлган одамлар судма-суд овора бўлиб юрган экан.

Тошкент шаҳар ветерина-

келтирилиб, селекция натижасида янада йирикроқ зотлари яратилган. Америка питбултерьери деган ном шундан келиб чиққан. «Питбул» питбултерьер зотиға оид ит зотларига берилган умумий ном.

Мутахассисларнинг фикрича, бу зотдаги итлар «руҳий хасталик»ка мойилроқ бўлиб, исталган пайтда ҳақиқий маънодаги йиртқичга айланиши мумкин экан. Умуман, бу зотдаги итлар «селекция фожеаси» саналади. Бизга улар Россия, Қозоғистон орқали кириб келган.

Дунёнинг қўллаб мамлакатларида айнан ана шу зот-

кул таъқиқлаш тўғрисида қонун қабул қилиш тадоригида. Ҳатто, агрессив характердаги ит зотлари рўйхати ҳам тузиб чиқилган. Бунга сўнгги йилларда Россияда «жангари» итлар билан боғлиқ фожеаларнинг кўпайиб бораётгани сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Мисолларга тўхталмиш: Москванинг Некрасовка районида питбултерьер эгасининг 8 яшар кизини бўғизлаб ташлаган; Железнодоро-



# Шаҳардаги йиртқичлар

рия маркази маълумотларига таянадиган бўлсак, айни пайтда шаҳримизда 18463 та ит рўйхатга олинган бўлиб, кутуришга қарши эмланган. 2007 йилнинг икки ойи ичида ветеринария бўлиmlари томонидан 390 та итнинг одамларга жабр казгани қайд қилинган. Жабрланганлар тегишли муолажаларни олишган, зўи етказган итлар маҳалла текиширувдан ўтказилган. Маълумотга қараганда, итларнинг деярли кўпчилиги ўз эгалари ёки унинг оила аъзоларига жароҳат етказган.

Ўрни келганда яна бир гап, сўнгги йилларда ҳамшагарларимиз, айниқса, европа миллатига мансуб одамлар орасида «питбул» зотли итларни боқиш урф бўлди. Ваҳоланки, бундай итлар энг хавфли «жангари» ит зоти ҳисобланади.

Шу ўринда «питбул» атамасига изоҳ бериб ўтсам: XIX асрда Англиянинг Стафффордшир деган жойида бульдог ва терьер зотларини ча-тиштириш йўли билан ўта урушқоқ, табиатиға кўра энг агрессив ит зоти — стафффордшир бултерьери яратилган. Кейинчалик улар АҚШга

даги итларни боқиш, кўпайтириш, сотиш таъқиқланган. Масалан, аксари Европа давлатларида «питбул» зотли итларни сақлаш қонунга зид ҳисобланади. Шунингдек, Австралия, Янги Зеландия, Исроил каби мамлакатларда ҳам шаҳарларда барча «жангари» итлар қатори «питбул» зотли ит сақлаш ман қилинган.

Хитойда эса масалаға ўзига хос тарзда ёндашилган: фақат битта ит сақлашинг мумкин, унинг ҳам бўйи 35 см. дан ошмасин!

АҚШнинг 50 штатидан 38 тасида «питбул» ва ретвейлер сақлашга чекловлар қўйилган. Аҳоли жон бошиға ҳисоблаганда энг кўп ит «истиқомат қилаётган» бу мамлакатда бир йилда 4,5 млн. одам итга таланиши қайд этилиб, шундан 10-20 фоизи ўлим билан якун топар экан. Ачинарлики, жабрланувчиларнинг асосий қисмини 12 ёшгача бўлган болалар ташкил этади.

Россияда «жангари» итлар масаласидаги мунозаралар давом этмоқда. Москва морииси эса шаҳар ичида «жангари» ит, жумладан, питбулларни сақлашни ўқотар қурол сақлашга менгазб, бут-

рожий шаҳрида питбултерьер эгасининг бир ёшли кизчасини тишлаб ўлдирган, фожеа гувоҳи бўлган она руҳий касаллар шифохонасига жойлаштирилган; Москва кварталларининг бирида «питбул» эгасининг бир ярим ёшли фарзандини талаб ташлаган, оқибатда бола ҳаётдан кўз юмган. Бувиси болани итнинг жағларидан ажратиб ололмаган... Афсуски, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Савол туғилади: ана шундай хавфли йиртқични одамлар нима учун уйлариди сақлайдилар? «Питбул» етаклаган ҳамшахарларимиздан бу ҳақда сўраб кўрганимда тайинли жавоб беришолмади. Ишқибозлик ўз йўлиға, лекин бундай итни сақлаш уйда бўри сақлаш ёки ўт билан ўйнашшдай гап эмасми?

Кўпчилигимиз ит боқишға ишқибозмиз. Одамзот қўлга ўргатган ҳайвонларнинг энг биринчиси ва энг садоқатлиси ҳам ит. Аммо ит боқининг ҳам ўз тартиб-қоидаси ў мезёрлари борлигини тез-тез эслаб туриш керакка ўхшайди.

Шавкат ЁДГОРОВ, «Huquq» мухбири


Турфа олам, турфа одамлар

## «БАНГИ» ГҲДАКЛАР

Техас штатиға қарашли Форт-Уэрта шаҳарчаси полицияси ўғирликда гумон қилинган икки нафар ўспириннинг хонасиди ўтказилган тинтув чоғида олинган видеокассетани кўйиб кўрганларида антика томошанинг гувоҳи бўлишди. Видео ёзувда марихуана чекаётган ва унинг тасъириди ғайритабиий қилилар қилаётган икки гўдак тасвирға туширилган эди. Экспертлар болақайлар марихуанани етарлича укув билан «тортишган»идан улар илғари ҳам бу оғуни истеъмол қилиб кўришган деган хулоса беришди.

Маълум бўлишича, бу икки ўспирин ўзлари марихуана истеъмол қилганлари етмагандай, бири беш, иккинчиси икки ёшли жиянларини ҳам ундан таътиб кўришға мажбур қилиб келишган. Уларнинг ҳар иккаласига нисбатан жиноят иши кўзғатилди, дея хабар беради CNN агентлиги.

Болаларнинг онасига нисбатан ҳеч қандай жазо қўлланмаган бўлса-да, жажжи «бангилар» Болаларни ҳимоя қилиш хизмати қарамоғиға ўтказилган.



## ПОРТЛАТНШНИНГ ЯНГИ УСУЛИ

Берлинлик 25 ёшли йигит ўзининг автомобилни ҳали синалмаган усулда портлатиб юборди, деб хабар беради DPA агентлиги. Ҳаммаси йигит ўз автоси бензини ёки дизел ёқилғисиди юриштини унутиб қўйганидан бошланди. Ёнилик қўйиб бўлиб, автоси бензинда юришини эслаб қолган йигит кўп ўйлаб ўтирмади. Ўша атрофдаги чанпоттич ёрдамида бақдаги дизел ёқилғисини чиқариб ташлашға киришди. Ва...

Портлаш натижасида унинг ўзи жароҳатланмаган, аммо қочиниға ултурмаган бошқа бир одам яхшигина қуйган. Полиция паризоохотир йигитга нисбатан иш кўзғатди.

## АДАШГАН АСКАРЛАР

Тунда машғулот ўтказиётган Швейцария армияси аскарлари азбаройи қизишиб кетганларидан қўшни давлат — Лихтенштейн ҳудудини «истило қилиб» қўйганларини сезмай қолишди, дейилади Reuters агентлиги тарқатган маълумотда.

170 нафар швейцариялик аскар ўқув машғулотни чоғида миттиғина Лихтенштейн давлати ҳудудиға икки чақиримча кириб боришгандан кейингина мўлжалдан алаштанини англаб, зудлик билан ортга қайтишға мажбур бўлишган.

Швейцария армияси қўмондонлиги шу қуниёқ Лихтенштейн ҳукуматидан узр сураган. Узрни қабул қилган томоннинг айтишича, бу «хужум»ни ҳеч ким сезмаган ҳам.

Маълумотда айтилишича, машғулот жанговар тусда бўлмагани сабаб, аскарлар қўлидаги қуроллар ўқланмаган бўлган. Алашган аскарларға жиддий бўлмаса-да, чора кўрилиши тайин.

Интернет хабарлари асосида ЗОҲИД тайёрлади.

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ҳамда фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси Салоҳитдин НУРИТДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Бухоро вилоят прокуратураси жамоаси Бухоро туман прокуратураси терговчиси Умар ИСМОИЛОВнинг бевафот вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар прокуратураси жамоаси Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси Абсамат Ағзамовға волидаи муҳтарамаси ОЙКАРАМ аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

## Huquq

юрidik gazeta  
Ta'sischi:  
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:  
Jahongir MAKUMOV  
Tahrir hay'ati:  
Yusupboy G'OIPOV, Bahriiddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALLIK, Sherzodxon QUDRATXOJAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul ko'itib)

Tahririyat manzili:  
Toshkent shabri, Yahoo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.  
E-mail: huquq97@mail.ru  
Faks: 133-64-85, 133-10-53.  
Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yatga olingan. Nashr ko'rsatkichi - 231

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariға qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar \*\* belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 255. 27 147 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teriladi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Nabvatchi muharriri: D.ESHMURODOV  
Mushohih: A.MUSTAFOYEVA  
Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etiladi. Korxonа manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda erkin narxda  
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 123 5678